



SHAELLING ECOLOGICAL CONSCIOUSNESS AND CULTURE IN SCHOOLCHILDREN

Gulnorakhon Makhsudova

lecturer

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Man with nature, flora, fauna, ecological education, monuments of nature, monuments of history, traditions of our people, mother nature, preschool age, ecological consciousness, ecological culture, aesthetic pleasure.

Abstract: This article is about how to form an ecological consciousness and culture of schoolchildren and awaken in them a love for nature, how to use school textbooks, how to explain to schoolchildren the aesthetic enjoyment of nature.

Received: 22.12.22

Accepted: 24.12.22

Published: 26.12.22

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК ОНГ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Гулнорахон Махсудова

ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Табиат билан инсон, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, экологик таълим, табиат ёдгорликлари, тарихий обидалари, халқимизнинг анъаналари, она табиат, мактабгача ёшда, экологик онг, экологик маданият, эстетик завқ.

Аннотация: Мазкур мақолада мактаб ўқувчиларини экологик онгини ва маданиятини шакллантириш ва табиатга меҳр-муҳаббатини уйғотиш учун қандай ишлар қилиниши ва мактаб дарсликларида фойдаланиш тартиблари, ўқувчи ёшлар ўртасида табиатдан эстетик завқ олишларни тушунтириш ишларини олиб бориш тўғрисида маълумот берилган.

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОЗНАНИЕ И КУЛЬТУРА У ШКОЛЬНИКОВ

*Гулнорахон Махсудова**преподаватель**Ферганский государственный университет**Фергана, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Человек с природой, флорой, фауной, экологическое образование, памятники природы, памятники истории, традиции нашего народа, матушка-природа, дошкольный возраст, экологическое сознание, экологическая культура, эстетическое наслаждение.

Аннотация: Эта статья о том, как сформировать экологическое сознание и культуру школьников и пробудить в них любовь к природе, как пользоваться школьными учебниками, как объяснить школьникам эстетическое наслаждение природой.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўз миллий қадриятларини тиклаш йўлида жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасида собитқадамлик билан иш олиб бормокда. Айниқса, табиат билан инсон муносабатларига оид муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамият берилмокда.

Дастлаб бу, педагогик жараёни оила ва мактаб ўқувчилари онгида шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилмокда.

“Табиат – битмас-туганмас хазинадир. Ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, ёш қалбнинг тўғри ўсиб шаклланишида, табиатда бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг сир-асрорини ўрганиб вояга етишида катта манба бўлиб хизмат қилади”[1, 56].

Табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда экологик таълим-тарбиянинг роли ниҳоятда катта. Таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган узлуксиз экологик таълим ва тарбия инсоннинг табиатига, қолаверса, ўзига нисбатан янги муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бу ўз навбатида баркамол инсоннинг шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиш она Ватанга, унинг табиат ёдгорликлари, тарихий обидалари, халқимизнинг анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашга, юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, бунини тасдиқлайдиган манбалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз

навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда.

Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак булади. Чунки у бутун борликни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин.

Айнан шу жихатларди ёш авлодга мактаблик даврларда тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Я.А.Коменский мактабларнинг 4 турини - йилнинг 4 фаслига ўхшатган. «Оналар мактаби» хушбўй ўсимликлар, гунча ва гулларга бурканган ажойиб баҳорни эслатади. «Она тили» мактаби ёзга ва айрим эрта пишган меваларга ўхшайди.

«Гимназия»да далалар, боғ ва теракзорлардаги мўл ҳосилни йиғиб, уни «ақл хазинаси»га жойлаётган куз фаслини эслатади.

Ва ниҳоят, «Академия» йиғилган ҳосилни умр бўйи сарфлашни мўлжаллаб тақсимлаётган кишига ўхшатилади.

Дарҳақиқат ёш авлодларни униб ўсишига кўмаклашувчи устоз мураббийларни ёш ниҳолларни асраб авайлаб парвариш қилишда ва етук инсон бўлишида жамиятда ўз ўрнини топишда бекиёс хизматлари каттадир.

Айниқса она табиатимизни ҳар бир қирраларини ўқиб ўрганишда ва экологик маданиятни шаллантиришда Аёл устозларимизни ўрни бекиёсдир.

Ёшларга эстетик тарбия беришдан мақсад – шахснинг эстетик диди ва идеалини таркиб топтириш, теварак-атрофдаги нарсаларни тўғри қабул қилиш қобилиятларини ҳар томонлама ўстиришдир. Эстетик тарбия болага дид билан кийиниш, юриштириш, меҳнат қилиш, омма орасида ўзини тўғри тутабилан каби хислатларни сингдиради.

Айниқса, она табиатни севиш ва ундан завқ олиш, яъни гўзалликни ҳис қилишни ўргатади. Гул ва меваларнинг ҳиди, шакли ва ранглари, қушларнинг сайраши, ариқларда сувнинг жилдираб оқиши, қишда қорнинг ғичирлаши - буларнинг ҳаммаси ўқувчиларда табиатдаги нарса ва ҳодисаларни тасаввур этишга имкон беради ва уларда эстетик ҳиссиётини тарбиялашда ва ўстиришда бой материал бўлиб хизмат қилади.

Аввал табиат гўзаллигини, сўнгра санъат гўзаллигини ҳис этиш керак. Табиатдаги ва санъатдаги гўзаллик билан танишиш боланинг ақл-идроки ва ҳис-

уйғуларини тарбиялабгина қолмай, балки унинг ахлоқини, ақлий хаёл ва фантазиясини ҳам ривожлантиради.

“Шахсининг экологик маданияти экологик тарбиянинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Мактабгача ёшда боланинг шахсий экологик маданиятининг таркибий қисми – табиатни билиш бўйича билим ва унинг экология нуқтаи назаридан йўналтирилганлиги, кундалик турмуш, турли-туман фаолиятларда фойдаланишни ташкил қилади”[2, 34].

Экологик тарбияланмаган киши табиатни эъзозлай олмайди. Экологик тарбиянинг барчаси баробар зарур. Экологик ва маданият жуда кенг қамровли тушунчалардир. Маданият экологияга ва аксинча, экология маданиятга турли соҳаларда таъсир кўрсатади. Бу тушунчалар учун умумий бўлган манбалар ҳам хилма-хилдир.

Фақат маданиятли кишигина табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирини оқилона йўлга қўйишга интилади. Маданият одамларни билимли қилишга, уларга иш тартиб-қоидаларни ўрганишга, қолаверса, ишлаб чиқаришни, техника ва фанни экологиялаштиришга хизмат қилади.

Инсон учун табиат нафақат яшаш муҳити сифатида қадрли, балки ҳиссий, эстетик хузур-ҳаловат манбаи ҳамдир. Шу боисдан, ўқувчиларга фақат табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш асосларини ўрганиш билангина уларга экологик маданиятни тарбиялаб бўлмайди.

Ўқувчиларни табиатдан оқилона фойдаланишга, маънавий-маданий бойлик яратишга ўргатиш, шунингдек, уларга табиат фақат фойда олиш учунгина эмас, балки гўзаллик қонунларига кўра ўзгартирилишини тушунтириш ахлоқий талабларга тўла мувофиқ келади.

Биринчидан ўқувчиларнинг ҳиссиётига таъсир этиш, улар қалбида ёшлик чоғлариданоқ табиатга муҳаббат уйғотиш керак. Бу тарбия қанчалик эрта бошланса ва ривожлантирилса, у шунчалик яхши самара беради.

Иккинчидан, ўқувчилар онгида табиатни муҳофаза этиш ва у билан оқилона ўзаро таъсир масалаларида фаолият ҳаётий нуқтаи назарни шакллантириш.

Уни инсоннинг ахлоқий этик савияси даражаси тарзида тафсифлаш мумкин. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, бизнинг ҳар бир кунимизда ҳам, унинг табиий муҳит ҳолатига боғлиқлиги камайиш ўрнига тобора ортиб бораётганини англаш зарур. Демак, ҳар бир инсон табиат ҳолати учун масъул.

Экологик таълимнинг муҳимлиги ҳозирги замонавий дунёда ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслиги билан биргаликда кўплаб мамлакатларда таълим ва тарбия беришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Аҳолининг экологик маданиятини ва атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган ушбу фаолият – бутун инсоният келажаги хавфсизлигининг гаровидир.

Умумий ўрта таълим тизимида экологик билимлар ўқувчиларнинг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда синфлар даражасида фарқланиши асосида ташкил этилади.

Бунда билим бериш «оддийдан мураккабга», «узвийлик ва узлуксизлик» каби педагогик тамойилларга таянган ҳолда назарий ва амалий билимлар уйғунлигига, ўқувчиларда экологик маданият ҳамда тарбиянинг босқичма-босқич шаклланишини таъминлайдиган мақсадли тизимга айланиши керак.

Умумий ўрта таълим тизимида экологиянинг назарий асосларига оид билимлар ва экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган билим, кўникма ва малакалар мавжуд ўқув фанлари мазмунида узвийлик асосида берилади ва бир бутун комплекс тарзда ифодаланади.

Бунда умумий ўрта таълим тизимини тамомлаган шахс минимал даражада экологик тушунчалар, ҳуқ-атвор қоидалари (экологик маданият) тўғрисида билимга эга бўлади, экологик билимлар фанлар мазмунига мажбурловчи чора сифатида эмас, фан мазмунидан келиб чиққан ҳолда сингдирилади.

Бу чора тадбирлар асосан юқори синф ўқувчилари ўртасида тушинтириш ва рағбатлантириш ишлари олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. “Етуклик давридаги ўқувчи ёшларга оила дарсларида ўқитувчилар оилада ва фарзанд тарбиясида экологик онг ва маданиятни шакллантириш чора тадбирларини чуқурроқ ўргатиш ва таништиришда, табиат билан жамиятни уйғун ҳолда тушунишга кўмаклашишда ўз билим кўникмаларини сингдира олса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз”[3,79].

ХУЛОСА

Сайёрамиз келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятига боғлиқ. Ёшлар ўртасида экологик билим, онг, маданият ҳамда экологик таълим-тарбия жараёнини тизимли ташкил этиш, экология соҳасини илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллашишини, ёшларнинг Она табиатни севиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга қаратилган билим ва кўникмаларини оширишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Мазкур хайрли ишларни амалга оширишда кенг жамоатчиликнинг роли беқиёслигини барчамиз унутмаслигимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Усмонов Б.Ш., Захимов Ф.Х. ва бошқ. “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион корпоратив ҳамкорлик. Илмий-услубий қўлланма. Тошкент, 2017.
2. Жўраев Н. “Авесто мўъжизаси”. Тошкент, 2013.
3. Шодиметов Ю. Ижтимоий экология. Дарслик. Тошкент, 2003.
4. Назаров М. Экология фанидан хорижий мамлакатларда олиб борилаётган янги технологик ва педагогик технологиялар. (Малака оширувчилар учун). Фарғона давлат университети қошидаги кадрлар малакасини ошириш бўлими). Фарғона, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга мулжалланган Илмий-оммабоп қўлланма Тошкент-2019.
6. Pirmatovich, R. R. (2022). IX-XII ASRLARDA DUNYOVIY ILM-FAN SOHASIDA IJOD QILGAN OLIMLAR VA ULARNING ILMIY MEROSI. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 450-452.
7. Egamberdieva, T., & Alimjonova, M. (2020). PEDAGOGICAL NECESSITY OF DEVELOPMENT OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN STUDENTS IN THE CONDITIONS OF GLOBALISATION OF EDUCATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(6), 277-283.
8. Ibragimjanovna, A. M. (2022). About the Development Competence of Students Intercultural Communicative. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(11), 350-356.
9. Алимжонова, М. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТГА ТАЪСИРИ ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 323-328.
10. Bakhrom, B. (2022). Information technologies in physical culture and sports. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 288-292.
11. Ummatqulov, T. (2022). INSON SOG'LOM BO'LISHIDA VALEOLOGIYA FANINING AHAMIYATI. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(12), 80-88.
12. О. Mavlonov, T.Tilavov, B.Aminov *Biologiya(Odam va uning salomatligi) Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinf uchun darslik* Qayta ishlangan va to'ldirilgan 6-nashri Toshkent-2019

13. Халматова, Ш., & Махсудова, Г. (2022). ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 1(5), 356-362.
14. Hamidov, G., Makhsudov, K., & Makhsudova, G. (2021, August). ON THE PROCESS OF NECTAR SEPARATION OF MEDIUM-FIBER COTTON VARIETIES IN THE FERGANA VALLEY: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1365>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).
15. Hamidov, G., Makhsudov, K., & Makhsudova, G. (2021, July). ON THE PROCESS OF NECTAR SEPARATION OF MEDIUM-FIBER COTTON VARIETIES IN THE FERGANA VALLEY. In *Конференции*.
16. Ahmedova, D. M., & Maksudova, G. M. (2020). THE ROLE OF MOISTURE AS AN ECOLOGICAL FACTOR IN GROWTH OF COTTON PLANTS. *Theoretical & Applied Science*, (8), 73-76.
17. Rasulova, A., & Karimov, U. (2022). Socio-Pedagogical aspects of the formation of reading culture and skills. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(4), 114-118.
18. Ш.Махсудов. “Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари” Иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр “Biznes-Эксперт”, 2022 й. 2-сон.159-166-б.
19. Ш.Махсудов “Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларини ўрни” Ўзбекистон фанлараро инновациялар ва илмий тадқиқот журнал 2022 й. Июнь. 370-375 б.
20. Махсудов Ш. С. “Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений” Бюллетень науки и практики / Bulletin of Science and Practice <https://www.bulletennauki.com> ст.450-456
21. Makhsudov Sherzod Solijonovich «The role of government bodies in the development of free economic zones» , Published by International journal of Social Sciences & 2022 132-136
22. Ahmedova, D. M., & Maksudova, G. M. (2020). Morphology of the pollen of some cotton species and hybrids. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 05 (85), 84-87.
23. Abdullayeva, M. T. L., & Maqsudova, G. M. (2021). EKOLOGIK TA'LIM VA TARBIYADA XORIJIY TAJRIBA. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 159-165.
24. To'lanovna, A. M., & Maxammadjonovna, M. G. (2021). EKOLOGIK TA'LIM VA TARBIYADA XORIJIY TAJRIBA.

25. Akhmedova, D. M., & Maxsudova, M. G. (2021). The role of moisture as an ecological factor in growth of cotton plants. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1093-1098.

26. Teshaboev, N., Mukimov, Z., Iminchaev, R., & Muhammadjonova, S. (2021, July). EFFECTS OF DEEP TILLAGE OF COTTON ROWS ON COTTON YIELD. In *Конференции*.

27. Teshaboev, N., Mukimov, Z., Iminchaev, R., & Muhammadjonova, S. (2021, August). EFFECTS OF DEEP TILLAGE OF COTTON ROWS ON COTTON YIELD: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1348>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).